

ҚУЁНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ (адабиётлар таҳлили)

Аннотация

В данной статье рассказывается о развитии кролиководства в нашей стране, о совершенствовании разведения и об исследованиях в этой сфере.

Калит сўзлари: кластер, куён гўшти, куёнхона, витамин, макро-микро элементлар.

Кириш. Мамлакатимизда тадбиркорлик фао- лиятини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор куёнчилик соҳасида кенг имкониятлар очмоқда. Бу эса кўпчилик тадбиркорлар орасида куёнчиликка қизиқишни янада кучайтирмоқда. Мутахассислар- нинг фикрича, куён гўштининг биологик қиймати, юмшоқлиги ҳамда ёғ ва холестерин моддаси камли- ги сабаб тиббиётда аллергия, гипертония, ошқозон- ичак, меъда, ўт-пуфак, жигар касалликларини даво- лашда фойдали ҳисобланади. Момигидан тайёрлан- ган буюмлар неврологик касалликлар, радикулит билан оғриган беморларга тавсия этилади. Момиги иссиқни сақлаш хусусиятига кўра, қўй жунидан 10 баробар устун. Сўнгги йилларда юртимизда куёнчиликни ривожлантириш, наслчилик ишлари- ни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда ихтисос- лашган агрофирмалар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирча республика- мизда куёнчилик тармоғи дастлабки ривожланиш босқичида бўлиб, ушбу даромадли тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кам. Улар етарлича ахборот ва кўникмага эга эмас. Демак, бу борада тарғибот- ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш зарур. Куёнчилик саноатлашган даражага етиши лозим. Боқувчи маҳсулотини қаерга сотишини олдиндан билиши керак. Тармоқнинг озука базасини шак- ллантириш ҳам долзарб масала. Шу боис ҳозир юртимизда мана шундай масалаларни ҳал этишга,

Annotation

This article describes the development of rabbit breeding in the Republic, the improvement of breeding and research in this area.



тармоқни ривожлантиришга ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда.

Адабиёт маълумотлари. Чорвачиликда гўшт, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан бир қаторда куён гўшти етиштириш алоҳида аҳамиятга эга. Куённинг танаси кичик бўлса-да берадиган маҳсу- лоти инсон учун жуда фойдали эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Куён гўшти бошқа гўштлардан таъми ва пархезбоплик хусусиятлари билан ажралиб тура- ди[8].

Куёнлар бош сонини кўпайтиришда, уларнинг туғилган вақтидан то мустақил озиклана олгунча бўлган даврда парваришlash, озиклантириш ва техноген омиллар муҳим аҳамият касб этади[4].

Куён гўштидаги оксил микдори қўй, қорамол, чўчқа гўштларига қараганда юқори. Витамин ва ми-

Куён гўштининг кимёвий таркиби

Гавда қисмлари	Гавда массасидаги улуши (%)				100 г. гўштининг энергетик қиймати, ккал.
	Сув	Оксил	Ёғ	Кул	
Чаноқ - сон	70,30	21,21	5,83	2,66	140,31
Курак — елка	71,39	20,43	4,87	3,31	122,05
Бел - думғаза	71,05	19,96	6,98	2,01	147,14
Бўйин - кўкрак	71,95	18,76	5,42	3,87	124,82
Узун толали мускул	71,03	22,10	4,10	2,77	125,53



нерал таркибига кўра деярли барча гўшт турларидан устун туради. Куён гўшти таркибидаги витаминлар, макро ва микро элементларни бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди[1].

Куён бу типик гомотермни ҳайвон ҳисобланиб, тана ҳароратини 38,8-39,5 °C оралиғида сақлаб туради. АММО бу ҳарорат ёз фаслида 41 °C даражага кўтарилиши ва қиш фаслида эса 37 °C даражага тушиши мумкин. Ҳарорат 44 °C га етганда куён танасидаги оксиллар денатуратсияга учрайди ва ҳайвоннинг ҳалокатига сабаб бўлади. Шу сабабли куёнлар ҳароратнинг кўтарилишига жуда таъсирчан сут эмизувчи ҳайвон ҳисобланади[6]. Таъкидлаш жоизки, куёнлар ўта иссиқлик, намлик ва кучли шамолни ёқтирмайди. Фермер хўжаликлари шароитида куёнларни атрофи дарахтлар билан ўралган жойларда сақлаш самара беради[2].

Жаҳонда мўйна маҳсулотларига, хусусан, куён мўйнасига бўлган талаб доимо юқори бўлиб келган ва бу талаб бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Куён мўйнасининг бежиримлиги, енгиллиги ҳамда иссиқликни яхши ўтказувчанлик хусусияти туфайли ҳам унга кўпгина хорижий мамлакатларда талаб жуда юқори[5].

Куёнлар жинсий жиҳатдан тез етилиши ҳисобига 2-2,5 ойлиғида эркак ва урғочисини алоҳида- алоҳида гуруҳларга ажратиш керак. Уртача семизликдаги урғочи куёнларни 4 ойлиғидан қочириш мумкин, эркак куёнлардан эса 7-8 ойлиғидан насл олиш мақсадга мувофиқ. Эрта қочирилган куёнлардан нимжон ва кичкина бола олинади, кейинчалик ҳам ушбу куёнлардан бола олиш ва олинган болаларининг насл сифати бузилади. Куёнларнинг саноат усулидаги қафасларда 4 тагача сақлаш мумкин, бундан кўп асралганда уларнинг

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ўсиши секин- лашади ва узиб қолиш хавфи ошади[3].

Куёнлар кўпайиш хусусиятлари билан бошқача турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан фарқ қилади. Бу тафовутларни куёнлардан кўп авлод олиш, қайта урчиш хусусиятларида кузатиш мумкин. Улар учун биринчи характерли хусусият эрта жинсий вояга етиш, юқори серпуштлик, бўғозлик даврининг қисқалиги, лактация даврининг бўғозлик даври билан уйғунлашиши кабилардир.

Хулоса:

1. Аҳоли ўртасида куён гўштига бўлган талабни ошириш.
2. Куёнчилик маҳсулотларини етиштиришда инновацион лойиҳаларни жорий қилиш.
3. Аҳолининг репродуктив саломатлигида куён гўшти истемоли бўйича семинарлар ташкил қилиш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Балласов У, Маматмунинов Ш., Парҳезбоб куён гўшти, “Veterinariya meditsinasi” журналі. 2019 №2. 29-30 бет.
2. Балласов У, Турдиев А., Куёнчилик сердаро- мад соҳа. “Ўзбекистан қишлоқ хўжалиғи” журналі. 2014 №12. 16 бет. ,,
3. Бўрибоев Ш, Калчков С., Куён мумай даромад манбаи, “Ўзбекистан қишлоқ хўжалиғи” журналі. 2008 №10. 8 бет.
4. Ибрагимов Б.Б., Еш куёнларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, “Chorvachilik va naslchilik ishi” журналі. 2019 №2. 30-32 бет.
5. Ибрагимов Б.Б, Исмаилов М.Ш., Куён тери- сига ишлов бериш технологияси, “Chorvachilik va naslchilik ishi” журналі. 2019 №4. 30-32 бет.
6. Ибрагимов Б.Б, Исмаилов М.Ш., Турли ҳароратдаги атмосфера ҳавосининг куёнлар иссиқлик гомеостазига таъсири. “Chorvachilik va naslchilik ishi” журналі. 2020 №1. 66-68 бет.
7. Ибрагимов Б.Б., Куёнларда бўғозлик даврининг серпуштлик билан боғлиқлиғи, “Chorvachilik va naslchilik ishi” журналі 2019 №6. 53-54 бет.
8. Холматов А.Х. ва бошқалар. Куёнлар қонининг гематологик ва биокимёвий таркиби. “Chorvachilik va naslchilik ishi” журналі. 2020 №1 64-65 бет.